

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **ТИББИЙ БИОЛОГИЯ йўналиши**

**“Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий  
технологияларни қўллаш”  
МОДУЛЬЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа  
ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** ТТА “Нормал ва паталогик физиологик”  
кафедраси доцент З.Н Бабаева.

**Такризчилар:** ТТА клиник анатомия кафедраси мудир  
профессор Т.А.Сагатов  
ТПТИ биохимия кафедраси профессор Н.М.Юлдашев

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент Тиббиёт Академияси Кенгашининг  
20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли қарори билан нашрга тавсия  
қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	2
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълимметодлари .....	10
III. Назарий материаллар .....	19
IV. Амалий машғулот материаллар .....	33
V. Мустақил таълим мавзулари .....	39
VI. Кейслар банки .....	40
VI. Глоссарий .....	43
VII. Адабиётлар рўйхати .....	50

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислоҳотларни кўзда тутди. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жихатдан асосланган янги ва замонавий услубият билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732 сонли Фармони.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббиёт фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Шу ўқув услубий мажмуада тиббий биологиянинг долзарб масалалари, ўқув протоколлари кўрсатилган. Тиббий биология йўналишида кенг қўлланилаётган технологияларини қўллашига катта аҳамият берилади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шунини ҳисобга олиб, тиббий биология фани бўйича ушбу дастур тузилди ва унга асосан ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог

ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида барча тиббиёт йўналишлари профессор ўқитувчилари учун асосий фан сифатида ўқитилмоқда.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Тиббий-биологик фанидан” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини тиббиётда биологик фанидан ўрни, тиббий биология билан таништириш.

**“Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш” модулининг вазифалари:**

- тиббий биологик фанларини ўқитишда педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келадиган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг тиббий биологик фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- тиббий биологикўрнихақида маълумотлар бериш;
- тиббий биологикмуаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- тиббий биологикасосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истикболларини;
- тиббий биологикйўналиши соҳасидаги инновацияларни ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асослари;

-

**Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш бўйича малака ошириш маркази тингловчиларининг ўқитиш дастурига киритилган интерактив усуллар**

**- Янги педагогик технологиялар:**

- Кичик гуруҳларда иш олиб бориш усуллари.
- Гуруҳларда ўқитиш жараёнида оптимизация қилувчи услублар (вазоятли масалалар иш ўйинлари конкурслар, презентация ва график органайзерлар).
- Вазифаларни кўпфункционаллиги билан боғлиқ бўлган ўқитиш усуллари (клиник аудит дискуссия, кўникмаларни ўзлаштириш)
- OSCE – объектив –структурланган имтиҳон – оралиқ ва якуний назорат қабул қилиш усули.
- График органайзерлар.
- Ўқитишда мультимедиа технологиялари.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш”** модули мазмуни ўқув режадаги “Клиник мутахассисларни тайёрлашда тиббий-биологик фанларни ахамияти” ва “Умумий патология ва экологик патология” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жумладан				
			жами		Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Анемия кассалиги. Анемия касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши.	2	2	2			
2	Эндокрин системаси. Организма йод етишмаслиги	2	2	2			
3	Қон. Қонинг гистологияси, биохимияси, физиологияси. Юрак-қон томир системаси	2	2		1	1	
4	Нафас олиш системаси. Нафас олиш органлар анатомияси, гистологияси	2	2		1	1	
5	Овқат хазм қилиш системаси. Диетология	4	2			2	2
6	Айириш системаси	2	2			2	
	Жами	14	12	4	2	6	2



## **НАЗАРИЙМАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

### **1-мавзу:Анемия касалликларни.**

Тиббий биология ўрни. Анемия касалиги. Анемия касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши. Анемия касалигининг биохимик анализлар ахамияти.

**2- мавзу:Эндокрин системаси. Организма йод етишмаслиги**  
Эндокрин сисемасининг долзарб муаммолари, тарқалиши. Ўзбекистондаги йод етишмаслигининг муамоси ва уни бартараф этиш йўллари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**“Қон. Қонинг гистологияси, биохимияси, физиологияси. Юрак-қон томир системаси”**

**Тиббий-биологик фанларни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш**

Педогогик жараёнидаги ўйин технологиялари. Иш ўйинлар технологиясини тадбиқ этиш. Дискуссия ўтқазиш методикаси. Машғулотларнинг назарий қисмини кроссворд, ребус, сканворд ечиш усуллари билан ўтқазиш технологиясини тадбиқ этиш. Вазият масалалари, мураккаблик даражалари ҳар ҳил бўлган назорат тестларининг тузиш усуллари. “Тиббий биология” мультимедиа дастурининг намоиши. Кичик гуруҳларда ишлаш. Бахс-мунозара методини қўллаш

## **2-амалий машғулот:**

### **“Нафас олиш системаси. Нафас олиш органлар анатомияси, гистологияси”**

#### **Талабалар билимларини назорат қилиш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш.**

Талабалар билимини объектив структурланган баҳолаш усули. Ўтқазиб қоидалари ва тартиби. Амалий кўникмаларни, кадамма-кадам усулларини ўқитиб имкониятлари, турлари. Амалий машғулотларнинг тарқатма материалларини намойиш этиш, унинг турлари ва ўқув жараёнидаги аҳамияти. График органайзерузулини қўллаш

## **3-амалий машғулот:**

### **“Овқат хазм қилиш системаси. Диетология”**

#### **Тиббий-биологик фанларни ўқитишда лаборатор-компютер системасини диагностикада қўллаш.**

Педагогик жараёнидаги лаборатор-компютер системалари. Дискуссия ўтқазиб методикаси. Вазият масалалари, мураккаблик даражалари ҳар хил бўлган назорат тестларининг тузиш усуллари. “Тиббий биология” мультимедиа дастурининг намойиши. Кейс-стади методи ва кичик гуруҳларда ишлаш.

## **4 -амалий машғулот:**

### **“Айириш системаси”**

#### **Тиббий-биологик фанларни ўқитишда лаборатор-компютер системасини диагностикада қўллаш.**

Педагогик жараёнидаги лаборатор-компютер системалари. Дискуссия ўтқазиб методикаси. Вазият масалалари, мураккаблик даражалари ҳар хил бўлган назорат тестларининг тузиш усуллари. “Тиббий биология” мультимедиа дастурининг намойиши. Портфолио методини қўллаш

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лоyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1,0 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0,5 балл
3	Амалий топшириқлар		1,0 балл

**Кўчма машғулотлар:**  
*Кўчма машғулотлар - Тошкент тиббиёт академияси “нормал ва патологик физиология” кафедраларда ўтказилади*

**II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТРЕФАЪОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

Ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтариш бу инновацион таълим технологиялари олий таълимни модернизациялаш асосий омилидир. Инновацион таълим технологияларини мақсади: назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.



**ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ.**

Тингловчилар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф бера олади;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;
- таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиш ва ўқиш циклининг босқичларини фарқлай олади;
- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажрата олади;
- таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуйи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслаши, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.


«Қўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади.

«Таҳлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имқонини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имқонини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум кадриятларга тааллуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутди.

## БЕНДЖАМИН БЛУМ “БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ”



### “КИЧИК ГУРУХДА ИШЛАШ” МЕТОДИ


#### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методини мақсади:

- таълим олувчиларни фаоллаштириш
- уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш
- берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишлаш.

**Кичик гуруҳларда ишлаш методини мазмуни:** – бу ўқув топшириғни ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имқонига эга

бўлади.

### **Гуруҳларни қандай жойлаштириш маъқул кўринишларидан бири.**



Талабаларга интерфаол метода дарс олиб боришга ижобий таъсир этувчи омиллардан, бу ўқув хонасини ҳолати, гуруҳларни ўзаро жойлаштириш тартиби ҳам муҳим ҳисобланади.


“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имқониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

#### **“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси



Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳда лидерни сайланг;
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг;
3. Топшириқни биргаликда бажаринг;
4. Тақдимотга тайёрланинг ва қилинг;
5. Бошқа гуруҳларга бериш учун саволларни тайёрланг ва беринг;



6. Гуруҳлар ишини баҳоланг.

### “БАХС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

#### **“Баҳс-мунозара” методи мақсади:**

- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув.
- ҳар бир ўқувчини фаол иштирокини таъминлаш.
- ўқувчида мустақил фикрни шакллантириш
- ўқувчида нутқ маданиятини ўстириш

#### **Баҳс мунозара методини мазмуни.**

Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имқоният яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат

### **Графикли органайзерлар техникаси.**

- I. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу

кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари.

**1. Кластер – (Кластер-тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Тингловчилар Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз в таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Ёзуважратилган вақт давомида ёки ғоялар ту гагунича давомида этишимумкин. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.**

#### **Кластерни тузиш қоидаси:**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.

#### **Намуна: “Кейс-стади” методи.**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-

ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имқониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имқониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### “Портфолио” методи.

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу:Тиббий биология ўрни. Анемия касаллиги.Анемия касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши.**

##### **Режа:**

- 1.Тиббиётда биология ўрни. Анемия касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши.
- 2.Анемияга қарши ишлаб чиқарилган препаратлар

**Таянч иборалар:** *ЭЧТ- эритроцитлар чўкиш тезлиги, томирлар, озиқ-овқат, касалликлар, ҳомиладорлик вақтида, организмнинг ўсиши ва эмизикли даврларида, жисмоний ривожланиш*

#### **1.1 Тиббиётда биология ўрни. Анемия касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши.**

Республикамиз аҳолиси ўртасида кенг тарқалган хасталиклардан бири анемия касаллиги ва унинг турли патологик ҳолатлари бўлиб, унда қонда гемоглобин миқдорининг, кўпчилик ҳолларда эритроцитлар сонининг ҳам камайиб кетиши қайд этилади. Анемия қандайдир касалликнинг белгилари сифатида намоён бўлади, яъни у иккиламчи касаллик ҳисобланади.

Анемия касаллиги инсон ҳаётининг барча даврларида нафақат турли касалликларда, балки айрим физиологик ҳолатларда (ҳомиладорлик вақтида, организмнинг ўсиши ва эмизикли даврларида) ҳам юзага келади. Айниқса, ёш болалардаги анемия ўта ижтимоий аҳамият касб этади, чунки камқонлик бу ёшда организмда жисмоний ривожланиш ҳамда темир алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади. Анемиянинг ривожланиши ўсмирлик ва климакс даврлар билан, гормонал бузилишлар, овқатланиш

характери, овқат ҳазм қилиш тизими, буйрак касалликлари, организмда сўрилиш жараёнининг бузилиши, аутоиммун ҳолатлар ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Мазкур касаллик кўпинча ички, инфекцион ва онкологик касалликларнинг ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган симптоми ҳам ҳисобланади.

Акушерлик ва гинекология соҳасидаги энг катта муаммолардан бири анемия ҳолати бўлиб, беморларнинг қарийб 90 фоизида айнан шу касаллик қайд этилади. Улар ичида темир танқислиги камқонлиги (ТТК) жуда кенг тарқалган бўлиб, у ҳар 10 нафар ҳомиладор аёлдан 9 нафарида учрайди. У нафақат бўлажак она соғлиги учун, балки ҳомила ва туғилажак гўдак саломатлиги учун ҳам ўта хавфлидир. ТТК организмда темир моддасининг етишмаслиги билан боғлиқ. Темирнинг етишмаслиги эса организмда дастлаб бир қанча трофик бузилишларга (терининг қуриши, тирноқ ёрилиши, соч тўкилиши каби) сабабчи бўлиб, унда темир сақловчи тўқима нафас ферментлари фаолияти ёмонлашади, кейин гемоглобин ҳосил бўлиши бузилади ва гипохром анемия ривожланади. Катта ёшдаги инсонлар темир моддасини асосан, сурункали қон кетишларда йўқотадилар, ёш болаларда эса она организмидаги темир танқислиги сабабли унинг етарлича бола организмига ўтмаслигидандир. Шунингдек, ўн икки бармоқли ва ошқозон яраси касаллигида, геморрой, бачадон миомасида, патологик менструал кўп қон йўқотишлар натижасида темир танқислиги вужудга келади. ТТКнинг асосий белгилари умумий ҳолсизлик, ич қотиши, бош оғриғи, таъм билишнинг бузилиши, тирноқларнинг қийшайиши ва синиши, соч тўкилиши кабилар ҳисобланади. Анемиянинг ушбу тури гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг қонда камайиб кетиши, рангли кўрсаткичнинг 0,8 дан пастлиги, эритроцит шакл ва ўлчамларининг (анизоцитоз, пойкилоцитоз) ўзгариши, қон зардобидида темир миқдорининг камайиб кетиши, зардобнинг ферритин ва оксиллар билан боғланиш қобилиятларининг пасайиб кетиши

билан характерланади. Анемия касаллигида узоқ вақт темир сақловчи антианемик препаратларни бериш, айниқса оғиз орқали қабул қилиш самаралидир.

Анемияни тўғри даволаш учун дастлаб унинг келиб чиқиш сабаби ва турини аниқлаш лозим. Кўп ҳолларда буларни аниқламасдан антианемик препаратлар ва тадбирлар (темир препаратлари, цианокобаламин, пиродоксин, қон қуйиш) тавсия этилиши препаратлар самарадорлигининг пасайиб кетишига, касалликнинг яширин шаклда узоқ вақт сақланиши ҳамда бемор аҳволининг умумий ёмонлашувига олиб келади.

Юқоридагиларга кўра хулоса қилиш мумкинки, анемия бугунги кунда жуда кенг тарқалган полиэтиологик синдромлардан биридир. Бу касалликни темир сақловчи препаратлар ўрнига турли хил витаминлар ва микроэлементлар билан даволаш яхши натижа бермайди.

## **1.2 Анемияга қарши ишлаб чиқарилган препаратлар**

Оғиз орқали асосан 2 ва 3 валентли темир препаратлари қўлланилади. Кейинги пайтларда ферлатум (темир-протеин комплекси) кенг қўлланила бошлади. Анемия касаллигини асоратсиз даволаш учун темирнинг ўзлаштирилишини енгиллаштирувчи қўшимча компонентлар қўшиб бериш мақсадга мувофиқдир, масалан цистеин (иррадиан препаратида), аскорбин кислота (ферроплекс, фенюльс, Ферро-фольгамм), янтар кислота (конферон), фумар кислота (хеферол), фоли кислота (гинотардиферон, Ферро-фольгамм) кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Аммо шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган антианемик препаратларнинг аксарият кўпчилиги хорижий препаратлар ҳисобланиб, улар иқтисодий жиҳатдан анча қиммат бўлиб, кўпчилик беморлар учун ноқулайликлар туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент Фармацевтика институти олимлари томонидан янги ишлаб чиқилган "Фераск" препаратининг капсула дори

шакли маҳаллий қитиқлаш реакцияларидан ҳоли бўлиб, беморлар томонидан қулай қабул қилинади. "Фераск" капсуласи қабул қилинганда бошқа темир препаратларида кузатиладиган темир ҳиди қайд этилмайди. Ўз навбатида "Фераск" таркибига тиббиёт амалиётида узоқ вақт самарали ва безарар ишлатилиб келинган "ферамид" (темир (II) моддаси ҳамда никотинамидли комплекси) таркибига самарали восита аскорбин кислотаси ҳам қўшилиб препаратнинг капсула дори шакли ишлаб чиқилди. Олиб борилган фармакологик текширишлар натижасида "Фераск" препаратини анемиянинг турли турларида самарали таъсирга эгаллиги аниқланди. Айниқса, республикамизда кенг тарқалган оксиллар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган алиментар анемия турида "Фераск" препарати ушбу касалликда кенг қўлланиб келинаётган "Тардиферон" препаратига нисбатан сезиларли даражада устунлиги исботлаб берилди. Хусусан "Тардиферон" препаратининг анемия кечимига таъсири "Фераск" препаратига нисбатан кейинроқ, яъни юборилгандан сўнг 20 кун ўтгач юзага чиқади. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, препарат билан даволаш курси тугатилгач, унинг антианемик таъсири ҳам йўқолади. "Тардиферон"дан фарқли ўлароқ, "Фераск" ёрдамида ушбу касаллик даволанганда препаратнинг антианемик таъсири нисбатан тез юзага чиқади, ҳаттоки препарат билан даволаш тўхтатилгандан кейин ҳам у ўз таъсирини йўқотмайди. Булардан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхона томонидан тайёрланган "Фераск" препарати таннархини иқтисодий жиҳатдан беморлар учун етарли даражада мойил эканлигини алоҳида қайд этмоқ лозим. Юқоридагиларга асосан, антианемик препарат "Фераск" капсуласи Республика Гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институти етакчи профессор олимлари раҳбарлигида "Сорбифер Дурулс" препарати (Венгрия) билан қиёсий клиник синовларидан муваффақиятли даражада ўтказилди ва "Фераск"ни антианемик препарат сифатида тиббиёт амалиётида кенг қўллаш учун рухсат олинди. Ҳозирги кунда "Фераск" капсуласи республикамизда кенг



миқёсда ишлаб чиқилмоқда ва барча дорихоналарда мавжуд. Айни пайтда Тошкент Фармацевтика институтида "Фераск" капсуласи каби маҳаллий, терапевтик таъсири кенг, ножўя таъсирлардан ҳоли ва таннархи арзон табиий манбалар асосида препаратларни яратиш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Темир дефицитининг асосий сабаблари?
2. Анемияга қарши қўлланиладиган препаратларни кўрсатинг?
3. Анемия кассалигининг биринчи синдромларини кўрсатинг?
4. Анемия касалигини даволашда юкори технологияларни куллаш?
5. Анемия кассалигининг эрта асоратларини гапириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Iron deficiency anemia: assessment, prevention and control. A guide for programme managers. — Geneva: World Health Organization, 2001 (document WHO/NHD/01.3).
2. Baker R.D., Greer F.R. Committee on Nutrition American Academy of Pediatrics. Diagnosis and prevention of iron deficiency and iron-deficiency anemia in infants and young children (0–3 years of age) // Pediatrics. — 2010; 126 (5): 1040–1050.
3. Recommendations to prevent and control iron deficiency in the United States. Centers for Disease Control and Prevention // MMWR Recomm Rep. — 1998; 47(RR-3): 1–29.

### **2-мавзу: Эндокрин системаси. Организма йод йетишмаслиги.**

#### **Режа:**

1. Эндокрин касалликлар.
2. Қалқонсимон без гормонлари, буқоқ турлари

3. Этиология ва патогенез
4. Қалқонсимон без ўлчамларини аниқлаш учун усулари
5. **Таянч иборалар:**Эндокрин тизими, йод йетишмаслиги, хомиладорлик, гипо-гипертиреоз, буқоқ, биологик актив гормонлар, жаррохлик

## 2.1 Эндокрин касалликлар

Кенг тарқаган эндокрин касалликлар қаторига қалқонсимон без касалликлари ҳам киради. Ўрта Осиёдаги атроф муҳитда йод танқислиги мавжуд бўлган шароитда бу без касалликларининг аҳоли саломатлигига таъсири катта ҳисобланади. Сўнгги йилларнинг маълумотларига кўра Ўзбекистонда қалқонсимон без хасталиклари катта ёшдаги 100 минг аҳолига нисбатан ҳисобланганда 2847 беморни ташкил этади.

Қалқонсимон безнинг таркибий ва функционал бирлиги фолликулдан иборат бўлиб, унинг кўриниши думалоқ, ёки овал шаклида, диаметри 0,03-1 мм. Ичи қуюқ модда / коллоид/ билан тўлган. Фолликул деворчаси фолликуляр эпителий / тиреоцитлар/ хужайра билан қопланган. Уларнинг тузилиши қалқонсимон безнинг функционал активлигига боғлиқ. Оддий холларда бу тўқима кубик эпителийдан иборат бўлса, функцияси камайганда-ясси, функцияси кучайганда цилиндр шаклига киради. Коллоид-уз таркибида йод тупланган тиреоглобулин оксил моддасидан иборат.

Фолликулларда йодлашган тиреоидли гормонларнинг биосинтези рўй беради. Бу жараён организмда йод алмашинуви ва тиреоглобулин биосинтези билан боғлиқ. Инсон организмда 20-30 миллиграмм йод бўлиб, шундан тахминин 1/3 қисми қалқонсимон безда тупланган булади. Шунингдек йод инсоннинг бошқа аъзоларида, конда ҳам йодит формасида

айланиб юради ва /СБИ холида/ оксил билан кушилган булади. Инсон организмига неорганик йод овкат оркали киради. Унинг 2/3 қосми буйрак оркали чикиб кетади, қолган қисми қон билан калкон безига боради ва тиреоглобулин билан органик тарзда кушилиб йод-йодтирозин, монойодтирозин, дийодтирозин хосил қилади. қалқонсимон без томонидан йоднинг сурилиши тиротропин ва АМФ таъсирида руй беради. Моно- ва дийодтирозининг тиреоглобулинда конденсацияси йули билан таркибида йод тўпланган калконсимон без гормонлари - трийодтиронин ва тетрайодтиронин / тироксин/ хосил бўлади. Четки томирларда қондаги барча йодларнинг 4/3 - қисмини ўзида сақаган тироксин ва йоднинг 1/4 қисмини ўзида тўплаган трийодтиронин айланиб юради. Бирок трийодтирониннинг физиологик харакати 5 марта юқори бўлиб, айланиш харакати тез, таъсирот кулачи кенг, шунинг учун тўпламига боғлиқ.

**2.1 Қалқонсимон без гормонлари** оксил орқали жигар билан алоқадор бўлиб, чекка тўқималарни / дейодирование/ йод билан таъминлайди. Шунингдек қалқонсимон безда овал формадаги йирик тўқималар ҳам бўлади. Уларни баъзан макротиреоцит ёки очрангли хужайралар деб аташади. Шу каби бу ерда яна фолликул атрофидаги хужайралар ҳам учрайди.

### **Қалқонсимон без тиреод гормонлари вазифаси.**

- ҳомиланинг бош мияси ривожланиши ва боланинг кейинги ҳаётида интеллектни ривожланишида асосий аҳамиятга эга;
- нормал энергетик алмашинувни таъминлайди;
- оксил синтезини стимуллайди;
- қонда холестерин миқдорини камайтиради;
- иммун системага таъсир қилади;
- адаптацион реакциялар комплексини таъминлайди;
- ўсиш жараёнлари ва суяк скелети етилиши жараёнларини назорат қилади;

- репродуктив соғлиқ сифатини аниқлайди.

## **ЭНДЕМИК ВА СПОРАДИК БУҚОҚ.**

Эндемик буқоқ касаллиги қалқонсимон безнинг прогрессив ҳолда катталашиб кетиши билан характерланади. Маълум географик шароитида одамларда учрайди. Кассалик хавода, озиқ-овқат маҳсулотларида, сувда, тўпроқда йод моддаси етишмаслиги сабаб учрайди. Эндемик буқоқ қадимдан олимларни қизиқтириб келган. қадимги Хитой, Хиндистон, Грецияда олимлар буқоқ кассалиги билан шуғунланишган. Букрот, Гален, Цельс, каби олимлар ўз асарларида касаллигини қайд ўтишган. Шарқнинг буюк алломаси Абу Али Ибн Сино ҳам ўз асарларида буқоқ кассалигини аниқлаш ва унга даво қилиш ҳақида ёзган.

Спорадик буқоқ эса эндемик буқоқ районларидан ташқарида яшайдигаларда бўлиши мумкин. Бу баъзи бир ноқулай эндоген факторларнинг таъсирида келиб чиқиши, кўпинча эса нистик характерга эга бўлиши мумкин.

Бу касалликлар, йод танқис касаллиги бўлиб, йод танқислиги натижасида ривожланади. Йод танқис регионларда яшовчи аҳолида йод танқис ёки эндемик регион деб, шундай жойга айтиладики, у ердаги 1- даражадаги қалқонсимон без гиперплазияси 5% гача ва кўпроқ бўлиб, болаларда ва ўсмирларда ёки 30% ва ундан кўп бўлган катта ёшли шахсларда учрайди. Йод танқис регионлар дунёда кенг тарқалгандир. ҳозирги вақтда йод танқис регионларда яшовчи аҳолининг 1 миллиард дан кўп қисмида йод танқис касаллигини ривожланишига мойил бўлади. 200 – 300 млн аҳолида буқоқ аниқланган, 5 млндан кўп аҳолида эндемик кретинизм ва миллионлаб одамларда енгил психомотор ўзгаришлар бўлади. Йод ҳаётий муҳим микроэлемент бўлиб, унинг асосий массаси қалқонсимон безда ва қонда концентрацияланади. қондаги йод турли орган ва тўқималарга ўтиб қисман липидларда деполанади, сўнгра буйрақлардан

чиқиб кетади. Одам организмига йод кам миқдорда тушади (15 – 20мг) ва унга эҳтиёж (100 – 150 мг) ва унга эҳтиёж 100 – 150 мкг кунига ташкил этади. Йоднинг асосий вазифаси – қалқонсимон без гормонлари ҳосил бўлишида қатнашиш, яъни у тиреоид гормонларни алмаштириб бўлмас компоненти ҳисобланади (тироксин ва трийодотиронин).

### **2.3 Этиология ва патогенез.**

Касалликнинг пайдо бўлишида сув ва тупроқда йод миқдорнинг қандай экани маълум аҳамиятга эга. Денгиз бўйида эндемик буқоқ касаллиги кам учрайди, чунки денгиз сувидаги йод буғланади, сунгра тупроқ ва сув хавзаларига қайтиб тушади. Баланкликлар, тоғ жойларда тупроқда ҳам хавода йод миқдори кам бўлади. Эндемик буқоқ касаллиги аёлларда ва қизларда кўпроқ учрайди. Спорадик буқоқнинг келиб чиқишида кўпинча нистик факторлар / фермент системасида дефект/ катта роль ўйнайди, бундан ташқари эса бу касалликда баъзи озуқа моддалида струмаган таъсирига эга бўлган тиоцианатларнинг / капуста, труп ва бошқалар/ организмда йиғилиши қалқонсимон безга йод ютилишини камайтиради ва тиреоид гормонлар - гормонларининг камайиши тиреотроп гормонинг купайиши, бу эса қалқонсимон без тўқимасининг гиперплазиясига олиб келади ва кейинчалик буқоқ ҳосил булади.

Ташқи муҳитда йод етишмаслиги натижасида, қалқонсимон без организмни йодли гормонлар билан етарли миқдорда таъминлай олмайди. Йод етишмаслик ҳолатларда, катта ёш беморларда гипотиреоз (кўпинча субклиник) пайдо бўлади ва кўпкина аъзо ва тўқималарда бузилишлар рўй беради. Бирламчи гипотиреозда ТТГ гормон миқдори кўпайиши натижасида буқоқ ривожланади, жинсий аъзоларни фаолияти пасаяди. Иккиламчи гипотиреозда Т4 ва ТТГ пасаяди, ТЛ миқдори кўпайди ва пролактин миқдорини ошишига, лакторея, диоменорея синдромига ва гипофиз

аденомасига олиб келади. Бу ҳолатта (йод дефицит ҳолларда) ҳомиладорлик даврида буқоқ, мулсуюклик (многоводие), планцентани ривожланмаслиги ва бошқа асоратлар кузатилади. Она орнидаги ҳомилада моддалар алмашинувнинг турлича ўзгаришлар билан тутилади. Бу гипотериознинг кретинизм деб аталувичи энг оғир туридир. Бундай болаларда микседематоз, нейроспастик калтафахимлик ва кўпинча карсоковлик қайд қилинади.

#### **2.4 Қалқонсимон без ўлчамларини аниқлаш учун 2 та усул қўлланилади:**

**1. Пайпаслаб куриш (визуал) усули** – энг қулай ва осон бажариладиган усул, лекин узининг камчиликлари бор. Чунки у субектив маълумотларга асосланади ва бўйиннинг анатомик тузилишга, текширилаётган шахсни ёшига, қалқонсимон безнинг жойлашишига боғлиқ бўлади. Бизда 1955 йилдан бери О.В. Николаев таснифи қўлланилмоқда. Таснифга биноан қалқонсимон безни 5 та катталашиш даражалари мавжуд. 1994 йилдан бери бутун дунёда ВОЗ таклиф қилган классификация қўлланилади.

0 даража – буқоқ йўқ

1 даража – буқоқ кўринмайди, лекин пайпасланганда унинг бўлаклари ўлчами текширувчи бармоғининг дистал фалангасидан катта.

2 даража – буқоқ пайпасланади ва кузга кўринади. Бу тасниф эпидемиологик текширишларда қулай ҳисобланади.

**2. Ультра товуш текшируви (УТТ),** энг аниқ усул ҳисобланади. УТТ ёрдамида қалқонсимон безнинг хажми формула бўйича аниқланади.  $(УК * УУ + ЧК * ЧУ * ЧК) * 0,479$ . Халқаро нормотивларга кўра УТТ қўлланилганда (18 ёшдан) катталарда буқоқ диагностика қилинади. Агарда бу хажм аёлларда - 19 мл, эркекларда – 25 мл дан катта бўлса. Авваллари ЙТК ни текшириш усули фақат ташқи кўрик ва пайпаслашдан иборат эди,

Йод етишмовчилик даражасини тупроқ ва сувдаги йоднинг миқдориغا қараб аниқланган. Физикал кўрсаткичлар буқоқнинг частотаси ҳақида маълумот берар эди ва даволаш динамикасини назорат қилишга имкон йўқ эди. Йодни ташқи муҳитнинг турли объектларидаги миқдори табиатдаги йодни циркуляцияси ҳақида маълумот беради. Лекин унинг организмдаги алмашинувини ёритиб бермайди. Бизга маълумки, йод табиат циклида йиллар давомида ўзгаришсиз бўлади. Лекин озикланиш характери турли хил бўлади. Биосферасида йод етишмовчилиги бир хил бўлган ҳудудларда яшовчи халқларда буқоқ эндемияси даражалари турли хил бўлади. Сўнги йилларда йод билан таъминланиш даражаларини йодни сийдик билан экскрециясига қараб аниқлайдиган булдилар. Буқоқ эндемиясининг тарқалганлигини фақат пайпаслаб эмас, балки УТТ ёрдамида ҳам аниқланади.

### **Йод етишмовчилигини оғирлиқ даражалари.**

Йодтанқислик касалликлари билан курашувчи халқаро ташкилот 3 та оғирлиқ даражасини тавсия этади:

